

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**37-сон**  
**(849)**  
**2018 йил**  
**17 сентябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

751. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва содалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сонли Фармон)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 сентябрдаги ПҚ–3936-сон қарори
752. «Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 сентябрдаги ПҚ–3937-сон қарори
753. «Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга

оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 сентябрдаги ПҚ–3939-сон қарори

#### *Учинчи бўлим*

754. «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 сентябрдаги 711-сон қарори
755. «Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳамда давлат бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 сентябрдаги 720-сон қарори
756. «Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сон қарори
757. «Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги 731-сон қарори [Кўчирма]
758. «Нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан «ягона дарча» тамойили бўйича битимларни тасдиқлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 сентябрдаги 733-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

759. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 8 сентябрдаги 457-мх-сон «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-2*)
760. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 августдаги 48, 120, 340-В-2-сон «Йодланган тузни реализация қилишдан тушган маблағларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир-

лиги хузуридаги «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш марказий бюросининг махсус ҳисоб рақамида жамлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2828-2*)

761. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 августдаги 117-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-9*)

762. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/8-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-14*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 8 сентябрдан 14 сентябргача бўлган маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**751** Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сонли Фармон)\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 сентябрь,  
ПҚ–3936-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 10 сентябрдаги  
ПҚ-3936-сонли қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига киритилаётган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти-ни амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тарти-ботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 15 апрелдаги ПҚ-2164-сонли қарори 3-иловасининг 2-банди ўз кучини йўқот-ган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республика-си Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолияти-ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 июлдаги ПҚ-3136-сонли қарори 1-бандининг олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**

## **752 Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иш-тирокида «Намунавий лойиҳалар бўйича якка тар-тибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивлари-да муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳа-сини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жой-лар қуриш дастури тўғрисида» 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сонли қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янги-ланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини самарали амалга ошириш ҳамда уни молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитларини жалб этиш мақ-садида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

2018 йил 30 январда Ўзбекистон Республикаси билан Кувайт араб иқти-содий тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда — КАИТЖ) ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Фар-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 сен-тябрда эълон қилинган.

ғона ва Тошкент вилоятларида «Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш учун 4 йиллик имтиёзли даврни қўшиб ҳисоблаганда 24 йилда сўндириш муддати билан энг юқори фоиз ставкаси йиллик 2,5 фоиздан ошмайдиган 9,0 миллион Кувайт динори (эквиваленти 30,0 миллион АҚШ доллари) миқдорида Қарз битими имзоланди;

лойиҳани амалга ошириш доирасида ташқи муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари қурилишини ўз вақтида ниҳоясига етказиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди ва улар давлат экспертизасидан ўтказилди.

#### 2. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида «Намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2018 йилда ташқи муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари қурилиши бўйича йўл кўрсаткичлар 1-иловага\* мувофиқ;

Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг қарзи юзасидан асосий қарзни, фоизлар ҳамда бошқа тўловларни сўндиришнинг прогноз жадвали 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

#### 3. Белгилансинки:

лойиҳани амалга оширишни умумий тарзда мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан бажарилади;

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ лойиҳанинг умумий амалга оширилиши ва КАИТЖ қарзи маблағларидан мақсадли фойдаланилиши учун жавобгар бўлган ижро этувчи орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойларни Осиё тараққиёт банки иштирокида қуриш дастурини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 мартдаги ПҚ–2812-сонли қарорига мувофиқ қайта тузилган Лойиҳани амалга оширишни мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш гуруҳи зиммасига КАИТЖ иштирокида лойиҳани амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш функциялари юкланди.

#### 4. Қуйидагилар белгилансин:

КАИТЖнинг жалб этилаётган қарзини, шу жумладан унга оид фоизлар ва бошқа тўловларни тўлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан — «Шоҳобча йўллар ва ички массив йўллари қурилиши» компонентлари қисмида ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан — «Сув таъминоти тармоқлари қурилиши» компоненти қисмида амалга оширилади;

«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖнинг лойиҳа-қидирув ишланма-

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

ларини молиялаштириш ҳамда бошқа харажатларини қоплаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018 йилдаги инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2018 йил 3 февралдаги ПҚ–3507-сонли қарорига мувофиқ «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖ учун назарда тутилган марказлаштирилган капитал қўйилмалар лимитлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазири лойиҳани амалга ошириш доирасида КАИТЖ қарзининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси билан қайта кредитлаш тўғрисидаги битимни Ўзбекистон Республикаси номидан имзолашга вакил қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси билан КАИТЖ ўртасидаги қарз битими бўйича белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларининг ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда лойиҳани амалга ошириш доирасида ташқи муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари қурилиши учун пудрат ташкилотлари аниқланишини белгиланган тартибда таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖнинг буюртманомаларига биноан, лойиҳани амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖнинг буюртманомаларига биноан, лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча рўйхатга олиниши ва унинг муддати узайтирилишини давлат божи ундирмасдан таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК» МЧЖнинг буюртманомаларига биноан, лойиҳани амалга оширишда қатнашувчи юқори малакали хорижий мутахассисларни (Ўзбекистон Республикаси фуқарolari орасида тегишли мутахассислар мавжуд бўлмаган тақдирда) Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар берилиши (муддати узайтирилиши)ни, шунингдек, ушбу хорижий мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва «Қишлоқ қури-

лиш инвест» ИК» МЧЖ бош директори К.З. Хошимбеков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 сентябрь,  
ПҚ-3937-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**753 Худудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Таъкидлаш лозимки, ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар қатор тизимли муаммо ва камчиликларга дуч келмоқда.

Хусусан, янгидан ташкил этилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиёт ва тадбиркорликни, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ҳамда туризмни ривожлантириш учун масъул бўлган ҳоким ўринбосарлари томонидан тадбиркорларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, ҳудудларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга, шунингдек, мавжуд салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишга кўп ҳолларда бепарво муносабатда бўлинаётганлиги кузатилмоқда.

Республика ва жойлардаги давлат бошқаруви органларида кенг тарқалган ва бартараф этилмаётган тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш, зарур ишлаб чиқариш объектлари, ер участкалари ва кредит маблағларини ажратиш, муҳандислик-коммуникация ва бошқа инфратузилма объектларини яратиш масалаларини ҳал этишдаги сансалорлик, бюрократизм ва тўсиқлар билан боғлиқ ҳолатлар тадбиркорлик субъектларини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга фаол жалб этиш, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажминини ошириш, саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва хизматлар соҳасини ривожлантиришни таъминламаяпти.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 сентябрда эълон қилинган.



Бундан ташқари, жойлардаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларининг малакаси ва амалий тажрибаси етарли даражада эмаслиги, республика давлат бошқаруви органлари томонидан улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ишларининг суғлиги қабул қилинаётган қарорларнинг самарали ижро этилишига ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, бўш турган объектлар, ер участкалари ва бошқа инфратузилмадан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) 1-иловага\* мувофиқ таркибда;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар (кейинги ўринларда — ҳудудий гуруҳлар) 2 — 14-иловаларга\* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

ҳудудий гуруҳлар таркибига кирган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва ходимлари асосий иш жойи бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилинади ҳамда доимий равишда ўзларига бириктирилган ҳудудда бўлади;

Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар ишига Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар раҳбарларининг қарори билан давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа вакиллари ҳам жалб этилиши мумкин;

Комиссия ва ҳудудий гуруҳларнинг сўровлари, кўрсатмалари барча давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ва мансабдор шахслари томонидан сўзсиз ижро этилиши мажбурий ҳисобланади.

3. Қўйидагилар:

а) Комиссиянинг асосий вазифалари этиб:

10 кунда камида бир марта жойлардаги давлат органлари ва ташкилотлари даражасида ҳал қилинмаган муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган мавжуд бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш;

тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қабул қилинган қарорлар, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотларига манзилли топшириқлар назарда тутилган қарорлар ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш;

ҳудудий гуруҳлар томонидан чуқур таҳлил асосида аниқланган тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишдаги бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш мақса-

---

\* 1 — 14-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш белгилансин;

б) ҳудудий гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб:

худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини, шу жумладан, муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва бошқа инфратузилмани ўрганиш, шунингдек, уларни, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банклари маблағларини жалб этган ҳолда янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

худудларнинг эҳтиёжи ва салоҳиятидан (ресурс, табиий-иқлим, меҳнат ва бошқалар) келиб чиқиб, инвестиция киритишни талаб этадиган истиқболли лойиҳаларни, шунингдек, бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини ўрганиш ва аниқлаш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватланган ва тегишли ҳудудда амалга ошириш таклиф қилинаётган истиқболли лойиҳаларни тезкор кўриб чиқиш чораларини кўриш, салоҳиятли инвесторлар билан музокаралар ва учрашувлар ўтказиш;

тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банкларининг кредит линиялари ҳисобидан амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокини таъминлаш;

бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини аукцион савдоларига қўйиш билан боғлиқ масалаларнинг тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш;

жойларда давлат органлари ва ташкилотлари даражасида ҳал қилинмаган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муаммоли масалаларни, шунингдек, зарур ҳолларда, истиқболли тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифларни Комиссияга киритиш;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекцияларининг тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш.

4. Комиссиянинг ишчи органи функцияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармасига;

ҳудудий гуруҳларнинг ишчи органи функцияси маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг инвестиция, инновация, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича котибиятларига юклатилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ҳудудий гуруҳлар молиялаштириш манбаларини (маҳаллий бюджет, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг тегишли фаолият соҳалари бўйича бюджетдан ташқари жамғармалари) аниқлаган ҳолда, давлат органлари ва ташкилотлари зиммасига тегишли ҳудудда амалга ошириш учун тавсия этилаётган салоҳиятли лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома асосида лойиҳа ташкилотларини жалб этиш юзасидан мажбуриятларни юклаш ҳуқуқига эга;

конун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда аукцион савдоларига қўйиладиган бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкалари тадбиркорлик субъектларининг аниқ инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларини белгилаган ҳолда савдога қўйилади;

тегишли ҳудудда, шу жумладан, бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун тавсия этилаётган салоҳиятли лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг веб-сайтларида ва Интернетдаги ижтимоий тармоқларда жойлаштирилади, шунингдек, телевидениеда эълон қилинади;

тадбиркорлик субъектлари тегишли ҳудудда амалга ошириш учун тавсия этилаётган салоҳиятли лойиҳаларни танлашда тегишли ҳужжатларни кейинчалик ҳудудий гуруҳнинг ишчи органига юбориш учун Давлат хизматлари марказларига ёки бевосита ҳудудий гуруҳнинг ишчи органига мурожаат қилиши мумкин;

ҳудудий гуруҳлар бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларининг уларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мажбуриятларни, шу жумладан, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни кўрсатган ҳолда электрон аукцион савдоларига қўйилишини таъминлайди;

ҳудудий гуруҳлар, зарур ҳолларда, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун салоҳиятли хорижий инвесторларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакилларини жалб этган ҳолда хорижга чиқиш ҳамда халқаро инвестиция форумлари ва конференцияларда иштирок этиш орқали излаш ва топиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга;

ушбу қарор талабларига мувофиқ ўтказиладиган электрон аукционни ўтказишнинг умумий муддати, истисно тариқасида, «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида амалга ошириладиган барча тартиб-таомиллар билан бирга 10 кундан ошмаслиги лозим;

бўш турган давлат мулки объектлари ёки ер участкалари аукцион ғолибига бир йилгача муддатда олдиндан захирага олиш шартларида (лойиҳанинг мураккаблигидан келиб чиқиб, муддатини узайтириш имконияти билан) кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар бажарилганидан сўнг эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштирган ҳолда берилди. Инвестор томонидан инвестиция шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, захирага олиш инвесторнинг харажатлари қопланмаган ҳолда бекор қилинади;

Комиссия ҳар ойда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳудудий гуруҳлар ҳисоботини эшитади, сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига ахборот киритади.

6. Қўйидагилар ҳудудий гуруҳлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгилансин:

тегишли ҳудудда ҳар минг кишига ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ва кўрсатилган хизматлар;

тегишли ҳудудда, айниқса, ёшлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун яратилган доимий иш ўринлари;

амалга оширилган тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳалари, шунингдек, ўзлаштирилган инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар;

ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этилган бўш турган объектлар ва ер участкалари;

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудларида амалга оширилган лойиҳалар.

Белгилаб қўйилсинки, ҳар чорак якуни бўйича ишларнинг натижадорлигига қараб:

Комиссия қарори билан Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар аъзоларига энг кам иш ҳақининг 30 бараваригача миқдорда, уларнинг раҳбарларига эса энг кам иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда бир марталик мукофот тўланади;

Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар аъзоларига, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан 30 фоиздан 50 фоизгача миқдорда лавозим маошидан ушлаб қолиш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш шаклида жавобгарлик чоралари қўлланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Давлат хизматлари марказларида бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкалари негизида, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун келиб тушаётган тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини ҳисобга олишнинг уларни кўриб чиқиш жараёнини мониторинг қилишга имкон берадиган электрон тизимини жорий этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари (З. Низомиддинов) бир ҳафта муддатда Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда Комиссия ва ҳудудий гуруҳларнинг иш регламентини тасдиқласин, шунингдек, уларнинг аъзолари, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан рағбатлантириш ва жавобгарлик чоралари қўлланилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» Республика лойиҳа институтининг Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

лойиҳа, инжиниринг ва консалтация хизматларини ривожлантириш;

уюшма аъзоларини истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича фаолиятга жалб этиш;

уюшма аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

халқаро молия институтлари ҳисобидан молиялаштириладиган муҳандислар-консультантлар, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ходимларининг малакасини ошириш;

олий таълим муассасалари билан уларнинг ўқув дастурларига лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги энг янги ютуқ ва инновацион ёндашувларни жорий этиш бўйича ҳамкорлик қилиш;

хорижий муҳандислар уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, сифатли лойиҳалаштириш ишларини, шу жумладан, хорижда амалга ошириш учун консорциумлар шакллантириш.

10. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан биргаликда бир ой муддатда, шу жумладан, хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда ихтисослаштирилган инвестиция компаниясини ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин, бунда:

инвестиция компанияси инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторлар ресурсларини жалб этиши;

инвестиция компанияси хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталида уларнинг самарадорлиги ва даромадлилиги кўрсаткичларини ошириш учун иштирок этиши;

инвестиция компанияси бўш маблағларининг республика ҳудудларидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жойлаштирилиши;

инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун маҳаллий ва хорижий консультантлар жалб этилиши назарда тутилсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳудудий гуруҳларга юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, шу жумладан, уларнинг жойлаштирилиши ва ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

12. Белгилансинки, мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни, шу жумладан, транспорт харажатларини, яшаш харажатларини, ҳудудий гуруҳларнинг хорижий давлатларга ташрифларини ташкил этиш, консультантларни жалб этиш харажатларини, шунингдек, бир марталик мукофотлар тўлашни ва бошқа ташкилий чора-тадбирларни молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари буюртманомаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг мультимедиа марказлари ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, ҳудудий гуруҳлар фаолияти ва мавжуд лойиҳа таклифлари кенг ёритилишини ташкил этсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 сентябрь,  
ПҚ-3939-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**754** Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2018 йил 18 майдаги ПҚ–3730-сон қарорини ижро этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор 2019 йил 1 январдан бошлаб кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б.Т. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 сентябрь,  
711-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 10 сентябрдаги 711-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида  
чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида  
умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб  
чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»  
2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-иловада:

а) 25-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, уларнинг қийматини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар қийматига қўшиш, шунингдек, уларни ўз таннархидан паст нархларда сотиш (тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган пакетлар бундан мустасно) тақиқланади»;

б) 163-бандга қуйидаги мазмундаги сўзлар қўшилсин:

«(алоҳида полимер плёнкали пакетларга ўраш (жойлаш) бундан мустасно)»;

в) 189-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

« — полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, уларнинг қийматини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар қийматига қўшиш, шунингдек, уларни ўз таннархидан паст нархларда сотиш (тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган пакетлар бундан мустасно)»;

г) 190-бандга қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши қўшилсин:

« — полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, уларнинг қийматини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар қийматига қўшиш, шунингдек, уларни ўз таннархидан паст нархларда сотиш (тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган пакетлар бундан мустасно)»;

ўн биринчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 2-иловада:

а) 19-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, уларнинг қийматини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар қийматига қўшиш, шунингдек, уларни ўз таннархидан паст нархларда сотиш (тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган пакетлар бундан мустасно) тақиқланади»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 25-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши билан қўшилсин:

«полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, уларнинг қийматини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган товарлар қийматига қўшиш, шунингдек, уларни ўз таннархидан паст нархларда сотиш (тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган пакетлар бундан мустасно)».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**755 Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳамда давлат бюджети даромадларини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида\***

Хозирги вақтда мамлакатда минерал хом ашё ресурсларидан фойдаланишга инвестицияларни жалб этиш ҳамда табиий қазилма бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, мазкур соҳадаги ишларнинг ҳолати табиий қазилма бойликлардан тартибли фойдаланиш ҳамда давлат бюджетига ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ундирилишига тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар борлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

биринчидан, республика бўйича норуда фойдали қазилма бойликларни қазиб олувчи ташкилотларнинг рўйхати ва улар томонидан қазиб олинган фойдали қазилмалар захиралари ҳажмининг ягона интеграциялашган идоралараро электрон базаси мавжуд эмас;

иккинчидан, солиқлар тўлашдан бўйин товлашнинг турли схемалари яратилишига олиб келаётган, ер қаъридан фойдаланувчилар фаолиятини назорат қилиш бўйича берилган ваколатлардан самарасиз фойдаланилмоқда;

учинчидан, ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмалар миқдорини ҳисоботларда камайтириб кўрсатиш ҳолатлари аниқланмоқда, бу эса солиқ суммаларининг тўлиқ ҳисобланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 26 июндаги ПҚ–3802-сон қарорига мувофиқ, табиий қазилма бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ҳамда уларнинг ҳаққоний ҳисобини юритишни таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Шундай тартиб жорий қилинсинки, унга мувофиқ барча ер қаъридан фойдаланувчи ташкилотлар ҳар йили бир марта йиллик қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмлари тўғрисида иловага мувофиқ маркшейдерлик хулосасини тузадилар ва Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш ҳудудий инспекцияларига тақдим этадилар. Бунда маркшейдерлик хулосаси:

2018 йилда — жорий йил 15 декабрга қадар;

2019 йилдан бошлаб — ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартига қадар тақдим этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг ер қаъридан қазиб олинган норуда фойда-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 сентябрда эълон қилинган.



ли қазилмалар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларнинг мазкур фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар бўйича электрон базасини яратиш ҳамда уни 2019 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасига интеграция қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар ҳажмининг маркшейдерлик хулосасига мувофиқлиги юзасидан мониторинг ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар ҳажмининг мониторинги бир йилда икки маротабадан ошмаган ҳолда амалга оширилади;

мониторинг жойларга борган ҳолда, солиқ тўловчи фойдаланадиган объектларда ва ҳудудларда солиқ тўловчининг мансабдор шахслари ёки уларнинг вакиллари иштирокида, қазиб олинган (ажратиб олинган) фойдали қазилмалар ҳажмини аниқлаш ҳамда маълумотнома билан расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси барча ер қаъридан фойдаланувчи ташкилотлар томонидан норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш (ажратиб олиш) ҳажмларини ташкилотлар томонидан ўтказилган маркшейдерлик хулосаларини тўплаган ҳолда 2018 йил 15 декабрга қадар ялпи хатловдан ўтказсин ва тўпланган хатлов натижаларини яратилган электрон базасига киритган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига 2019 йил 1 январга қадар тақдим этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қазиб олинган (ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмаларнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.С. Султанов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазيري Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Ф. Исламов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 сентябрь,  
720-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 10 сентябрдаги 720-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ер қазьридан фойдаланувчилар томонидан ҳақиқатда қазиб олинган  
(ажратиб олинган) норуда фойдали қазилмалар миқдори ҳақида  
МАРКШЕЙДЕРЛИК ХУЛОСАСИ**

20\_\_ йил учун

Ер қазьридан фойдаланувчининг номи \_\_\_\_\_ СТИР \_\_\_\_\_  
 Маркшейдерлик хизмати \_\_\_\_\_  
 ташкилотининг номи \_\_\_\_\_  
 Солиқ тўловчининг манзили: \_\_\_\_\_  
(республика, вилоят, туман, шаҳар (шаҳарча, ҚФЙ), кўча, хонадон, почта индекси)

Ҳисобга олиш ўлчов бирлиги \_\_\_\_\_

Т/р	Фойдали қазилма конининг (участкасининг) номи, жойлашган жойи	Фойдали қазилма тури, хом ашё номи	Ҳисобот даври бошидаги захиралар миқдори		Ҳисобот даврида қазиб олинган фойдали қазилма миқдори	Ҳисобот даври охиридаги захиралар миқдори	
			балансдаги	балансдан ташқаридаги		балансдаги	балансдан ташқаридаги
1	2	3	4	5	6	7	8

Ер қазьридан фойдаланувчи раҳбари: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.) (имзо) (сана)  
 М.Ў.

Ер қазьридан фойдаланувчининг геология-маркшейдерлик хизмати \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.) (имзо) (сана)  
 М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**756** **Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда фаол инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллий илмий ва инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш мақсадида мамлакатда инновацион тадбиркорликнинг ривожланиш даражасини оширишни қўллаб-қувватлайдиган «Яшнобод» инновацион технопарки, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар маркази, шунингдек, вазирликлар ва олий таълим муассасалари қошида бошқа шу каби ташкилотлар ташкил этилди.

Шу билан бирга, «Яшнобод» инновацион технопарки ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказининг самарали фаолиятини таъминлаш учун уларнинг илмий салоҳиятини ривожлантиришга, шунингдек, инновацион ишланмаларни шаклланиш босқичидан бошлаб уларни бозорга чиққунига қадар илгари суриш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишга ёрдам берадиган қулай шарт-шароитларни яратиш зарур.

Инновацион ғоялар ва технологияларни тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш ишларини янада кенгайтириш, шунингдек, инновацион ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг:

«Яшнобод» инновацион технопарки дирекцияси) ДУКни (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфидан чиқариб, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасига ўтказиш ва уни Дирекциянинг таъсисчиси этиб белгилаш;

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) томонидан маҳаллий илмий ишланмаларни жорий қилиш ва тижоратлаштиришни кўзда тутадиган илмий стартапларни грант ёки фоизсиз қайтариш асосида биргалликда молиялаштириш, бунда инвесторларнинг ўз маблағлари билан иштироки инвестициялар суммасининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

а) икки ҳафта муддатда Дирекциянинг янгиланган устави, тузилмаси,

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари, штат жадвали ва харажатлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқласин;

б) икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда «Яшнобод» инновацион технопарки (кейинги ўринларда Технопарк деб аталади) тузилмасида илмий ва инновацион лойиҳаларни тижоратлаштиришни қўллаб-қувватлаш учун бизнес-инкубатор ташкил қилсин;

манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018-2019 йиллар мобайнида Технопарк ҳудудида илмий лабораториялар, конструкторлик бюрolari, консалтинг ва маркетинг ташкилотлари, ўқув марказлари ва бошқа хизмат кўрсатиш тузилмалари ташкил этиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтириш кўзда тутилган ҳолда «йўл харитаси» ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази (кейинги ўринларда Илғор технологиялар маркази деб аталади) тузилмасида юқори технологияли кичик компаниялар учун мавжуд инфратузилма, хоналар, лабораториялар ва асбоб-ускуналарни имтиёзли шартларда тақдим этган ҳолда Инновацион стартап-акселератор ва стартап-инкубатор ташкил қилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

лаборатория асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш майдонлари ва офис хоналари Илғор технологиялар маркази резидентларига ижарага 2 йил муддатга, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда 5 йилгача узайтириш ҳуқуқи билан тақдим этилади;

Илғор технологиялар маркази резидентларига тақдим этилган ишлаб чиқариш майдонлари ва офис хоналарининг ижара тўлов ставкалари давлат кўчмас мулкидан фойдаланиш учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаси миқдорида, коэффицентлар оширилиши қўлланмаган ҳолда белгиланади;

лаборатория асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш, офис хоналари ва бошқа хоналарнинг ижараси учун резидентлардан келиб тушадиган маблағлар, истисно тариқасида, тўлиқ ҳажмда Илғор технологиялар маркази тасарруфида қолади.

4. Илғор технологиялар маркази резидентлари 2022 йил 1 январгача бўлган муддатда:

ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва ягона солиқ тўловидан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда тузиладиган рўйхатлар бўйича инновацион лойиҳаларни амалга ошириш доирасида шахсий эҳтиёжлар учун хориждан келтириладиган асбоб-ускуна, хом ашё, материаллар, реактивлар ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Рес-

публикаси Вазирлар Маҳкамасига бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари ва Технопарк қурилиши учун ҳудудларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида, инвесторга қурилаётган ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий бинога мулкчилик ҳуқуқини, шунингдек, ер майдонини узоқ муддатга ижарага бериш ҳуқуқини берган ҳолда Дирекцияга ажратиш бўйича таклиф киритсин.

6. Белгилансинки, Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун Технопарк резидентларига ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида Технопаркни қуриш учун Дирекцияга ер майдонлари ажратиш, истисно тариқасида, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг тақдимномаси бўйича амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда давлат-хусусий шериклик асосида инновацион технопаркларни қуриш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тасдиқланишини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Технопарк ва Илғор технологиялар маркази резидентларининг инновацион лойиҳаларини, шу жумладан, резидентларга хизмат кўрсатадиган тижорат банклари орқали кредит линиялари очиш йўли билан имтиёзли кредитлашни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Технопарк ва Илғор технологиялар маркази резидентларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш учун бериладиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафилликлар ва компенсациялар тақдим этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Технопарк ва Илғор технологиялар марказини замонавий юқори технологик асбоб-ускуна билан жиҳозлаш учун халқаро молия ташкилотлари ва фондларнинг техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш маблағлари ва грантларини жалб қилишда доимий равишда кўмаклашсин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги етакчи хорижий мамлакатларнинг технопарклари, инновацион марказлари ва бошқа шу каби тузилмалари билан, шу жумладан, тажриба алмашилиш, ўқитиш, мутахассислар стажировкаси, ҳамкорликда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича ҳамкорлик ўрнатишда Дирекцияга кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Технопарк, Илғор инновациялар маркази ва уларнинг резидентлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов, Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.А. Артикходжаев ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 сентябрь,  
721-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**757 Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

**[Кўчирма]**

Дон, ун ва нонни сотишга, шунингдек, мамлакатнинг донни қайта ишлаш тармоғига бозор механизмларини жорий қилиш, ун ва қолипни нон харид қилиш бўйича аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига қўшимча харажатларни қоплаш учун компенсациялар тўлашнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2018 йил 15 сентябрдан бошлаб:

бир килограмм 1-нав буғдой унини улгуржи сотиш нархини 1 400 сўм миқдорида белгилаш;

қолипни нонни талаб ва таклиф асосида шакллантириладиган эркин бозор нархи бўйича сотиш тартиби;

«Ўздонмахсулот» АК корхоналари томонидан спирт ишлаб чиқарувчилар ва чорвачилик (паррандачилик, балиқчилик) корхоналарига дон, шунинг-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 сентябрда эълон қилинган.

дек, олий навли буғдой унини биржа савдолари орқали чекловларсиз сотиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда ун нархи шаклланиши юзасидан амалий мониторинг ўрнатсин, 2018 йил 1 ноябргача 1-нав буғдой уни учун улгуржи сотиш нархини белгилаш тартибини бекор қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

2. 2018 йил 1 октябрдан бошлаб:

ёшга доир, ногиронлик бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқимандага), болалигидан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, ногирон бўлган 16 ёшгача болаларга нафақа, шунингдек, ёшга доир пенсиянинг белгиланган миқдоридан кам пенсия ва нафақа бўйича ҳар бир нафақа олувчига;

бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақа олувчи ҳар бир оила, ўзини ўзи бошқариш органлари орқали моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилага ун ва қолипли нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридан кам ойлик пул компенсацияси (кейинги ўринларда пул компенсацияси деб аталади) тўланиши жорий этилсин.

3. Белгилансинки:

а) 2018 йил 1 октябрдан бошлаб 14 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга болалар сонидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан белгиланадиган нафақа энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан қўйидаги миқдорларда тўланади:

бир нафар фарзанди бўлган оилага — 60 фоиз;

икки нафар фарзанди бўлган оилага — 100 фоиз;

уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган оилага — 140 фоиз;

б) пул компенсацияси ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган пенсия ва нафақалар тўланиши учун масъул бўлган органлар томонидан ҳисобланади ва қайд этилган пенсия ҳамда нафақалар билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади;

в) заруратга кўра, бозорда дон ва ун нархлари кескин ўзгаришининг олдини олиш мақсадида истеъмолчиларга сотиш учун давлат захирасидан дон чиқариш таъминланади.

4. Туманлар (шаҳарлар) ҳокимларига кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш шартларига мувофиқ 2019 йил 1 январгача ҳокимликларнинг захира жамғармалари, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) бюджетлари даромадлари прогноз параметрларининг ошириб бажарилишидан тушган маблағлар ҳисобига оиланинг ҳар бир аъзоси ҳисобга олинган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдоридан кам пул компенсацияси ажратиш ҳуқуқи берилсин.

Ушбу тоифадаги оилаларга (шахсларга) пул компенсацияси тегишли ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳисобланади.

Бунда қўшимча пул компенсацияси оладиган оилалар (шахслар) сони

ушбу қарор 2-бандининг учинчи хатбошида ва 3-бандининг «а» кичик бандида назарда тутилган компенсация олувчилар умумий сонининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари:

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ва манзилли чора-тадбирлар кўрилиши;

республиканинг барча аҳоли пунктларида барча тоифалардаги истеъмолчиларга ун ва нон узлуксиз сотилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўздонмахсулот» АК билан биргаликда ун ва донни сотишдан тушадиган маблағларни тақсимлаш тартибини қайта кўриб чиқсин.

«Ўздонмахсулот» АК 2018 йил 15 сентябрдан бошлаб жорий этиладиган нархларни ҳисобга олган ҳолда қолган унни қайта баҳоласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2018 йилда бюджетдан маблағ олувчиларга дон, ун ва қолипчи нон хариди бўйича қўшимча харажатларни қоплаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни молиялаштириш учун бюджетдан маблағ ажратсин;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун давлат бюджети параметрларини тайёрлашда мазкур қарорнинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларни назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги икки ой муддатда Молия вазирлиги, «Ўздонмахсулот» АК ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев ва Бош вазирнинг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 13 сентябрь,  
731-сон



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 13 сентябрдаги 731-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган баъзи қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 12 декабрдаги 350-сон қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 84-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги 44-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-бандининг иккинчи хат-боши.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**758 Нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар  
томонидан «ягона дарча» тамойили бўйича битим-  
ларни тасдиқлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан  
ҳамкорлик қилишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш  
тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон қарорига мувофиқ ҳамда нотариал хизматлар кўрсатиш тартиботини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон қарори билан Нотариатнинг фаол модели доирасида Нотариуслар томонидан битимларни тасдиқлашда «ягона дарча» тамойили бўйича амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар рўйхати маъқул-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 17 сентябрда эълон қилинган.

ланганлиги ҳамда 2019 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар тасдиқлансин ва 2019 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин:

Турар жой олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлашда турар жойда доимий пропискада бўлган шахслар ҳақидаги маълумотларни олишнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ;

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда биометрик ва паспортга оид маълумотларини текширишнинг маъмурий регламенти 2-иловага мувофиқ;

Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлашда бино ва иншоотлар ҳақида маълумотлар олишнинг маъмурий регламенти 3-иловага мувофиқ;

Хусусийлаштирилган турар жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлашда хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақида маълумотлар олишнинг маъмурий регламенти 4-иловага мувофиқ;

Юридик шахслар иштирокидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширишда юридик шахслар ҳақида маълумотлар олишнинг маъмурий регламенти 5-иловага мувофиқ;

Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини тасдиқлашда коммунал хизматлардан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотлар олишнинг маъмурий регламенти 6-иловага мувофиқ.

3. Белгилансинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб, нотариал ҳаракатни амалга оширишда нотариуслар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 майдаги ПҚ–3741-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган маълумотларни ваколатли давлат органлари ва ташкилотлардан курьерлик хизмати ёки идораларо электрон тизим орқали оладилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 сентябрь,  
733-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 14 сентябрдаги 733-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Турар жой олди-сотди шартномасини нотариал  
тасдиқлашда турар жойда доимий пропискада бўлган  
шахслар ҳақидаги маълумотларни олишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан «ягона дарча» тамойили бўйича турар жой олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлашда турар жойда доимий пропискада бўлган шахслар ҳақида маълумотларни (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, Ф.И.О, паспорт серияси, рақами, уни берган орган ва берилган вақти) (кейинги ўринларда маълумот деб аталади) олишда ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Давлат нотариал идораларининг (кейинги ўринларда ДНИ деб аталади) ички ишлар органлари билан ахборотлар алмашуви курьерлик хизмати орқали ёки идоралараро электрон тизимлар орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

3. Маълумотларни олиш ушбу Регламент 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Турар жойда доимий рўйхатга олинган шахслар ҳақида  
маълумот олишда ДНИ ва ички ишлар органларининг ўзаро  
ҳамкорлик қилиши тартиби**

4. Турар жой мулкдори ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг номидан ҳаракат қилишга ваколатли бўлган вакил турар жой олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлаш учун ДНИга кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

Бунда нотариус маълумотни курьерлик хизмати орқали ёки идоралараро электрон тизимлар орқали реал вақт режимида мустақил олади.

5. Нотариуслар маълумот олиш учун Регламентга 2-иловага\* мувофиқ турар жой жойлашган худуддаги ички ишлар органига курьерлик хизмати орқали ёзма шаклда ёки идоралараро электрон тизим орқали электрон шаклда сўровнома билан мурожаат қилади.

6. Сўровномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:  
сўров йўллаётган ДНИнинг номи;

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сўров йўллаётган ДНИнинг манзили (агар сўровнома ёзма шаклда бўлса);  
сўровнома йўлланган сана ва қайд рақами;  
сўров йўлланаётган ички ишлар органи номи;  
турар жой кадастр йиғма жилди маълумотлари (турар жой жойлашган манзил, турар жой кадастр рақами);  
сўровнома йўллаётган ДНИ нотариусининг Ф.И.О.;  
сўровнома йўллаётган ДНИ нотариусининг имзоси ва мухри (агар сўровнома ёзма шаклда бўлса).

7. Сўровнома электрон тарзда расмийлаштирилганда идоралараро электрон тизим орқали реал вақт режимида жўнатилади.

8. Сўровномада маълумотлар тўлиқ бўлмаган тақдирда ички ишлар органи маълумотномани беришни рад этади.

Бошқа асосларга кўра маълумотнома беришни рад этиш қатъиян тақиқланади.

9. Нотариуснинг сўровномасига асосан маълумот ички ишлар органлари томонидан ушбу Регламентга 3-иловага\* мувофиқ шаклда, агар сўровнома:

курьерлик хизмати орқали юборилса — бир соат ичида ёзма ёки электрон шаклда;

идоралараро электрон тизим орқали юборилганда — зудлик билан реал вақт режимида электрон шаклда жавоб бериши шарт.

10. Маълумотлар ички ишлар органлари томонидан бепул берилади.

11. Нотариус сўровномасига асосан бериладиган маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

ички ишлар органининг номи;

ички ишлар органининг манзили (агар жавоб ёзма шаклда бўлса);

маълумотнома тузилган сана ва қайд рақами;

маълумотнома юборилаётган ДНИ;

турар жой кадастр йиғма жилди маълумотлари (турар жой жойлашган манзил, турар жой кадастр рақами);

турар жойда доимий прописка қилинган шахслар ҳақидаги маълумотлар (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси, рақами, уни берган орган ва берилган вақти);

ички ишлар органи ходимининг лавозими ва Ф.И.О.;

имзо ва мухр (агар жавоб ёзма шаклда бўлса).

### 3-боб. Яқунловчи қоидалар

12. Ишончсиз ва бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилгани учун ушбу маълумотларни тақдим этган шахслар жавоб берадилар.

13. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 14 сентябрдаги 733-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда биометрик ва  
паспортга оид маълумотларни текширишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан «ягона дарча» тамойили бўйича нотариал ҳаракатларни амалга оширишда биометрик, шунингдек, паспорт маълумотларини (фамилияси, исми, отасининг исми, расми, бармоқлар излари, паспорт серияси ва рақами, берган орган, берилган сана, доимий яшаш манзили, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами) (кейинги ўринларда шахсга оид маълумотлар деб аталади) текширишда ички ишлар органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Давлат нотариал идораларининг (кейинги ўринларда ДНИ деб аталади) ваколатли органлар билан ахборот алмашуви идоралараро электрон тизимлар орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

3. Шахсга оид маълумотларни текшириш ушбу Регламентга иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Биометрик, шунингдек, паспортга оид маълумотларни  
текширишда ДНИ ва ваколатли органларнинг ўзаро  
ҳамкорлик қилиши тартиби**

4. Нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ДНИга мурожаат қилган шахслар паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатни ҳамда муайян нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

Бунда нотариус шахсга оид маълумотларни нотариал ҳаракатни амалга ошириш вақтида бармоқ изларини сканер қилиш ва уларни паспортдаги (фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатидаги) биометрик маълумотлар билан солиштириш орқали мустақил текширади.

5. Нотариус шахсга оид маълумотларни текшириш учун идоралараро электрон тизим орқали нотариал ҳаракат иштирокчисининг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини киритган ҳолда ваколатли органларга электрон сўров юборади.

6. Сўровнома идоралараро электрон тизим орқали реал вақт режимида жўнатилади.

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Сўровномада маълумотлар нотўғри киритилганда, идоралараро электрон тизим маълумотни қайтадан киритишни таклиф этади.

Нотариуснинг сўровномасига асосан шахсга оид маълумотларни беришни рад этиш қатъиян тақиқланади.

8. Нотариуснинг сўровномасига ваколатли давлат органлари идоралараро электрон тизим орқали қуйидаги шахсга оид маълумотларни такдим этади: жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми; паспорт серияси ва рақами, уни берган орган, берилган санаси; доимий яшаш манзили; жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами.

9. Шахсга оид маълумотлар ваколатли органлар томонидан бепул берилади.

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

10. Ишончсиз ва бузиб кўрсатилган шахсга оид маълумотлар такдим этилгани учун ушбу маълумотларни такдим этган шахслар жавоб берадилар.

11. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 14 сентябрдаги 733-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## **Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлашда бино ва иншоотлар ҳақида маълумотлар олишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан «ягона дарча» тамойили бўйича кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлашда бино ва иншоотлар ҳақидаги маълумотларни (бино ва иншоотларнинг тегишлилиги ва таркиби, кадастр рақами ва умумий (яшаш) майдони ҳажми, кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ ва хатлов мавжуд ёки мавжуд эмаслиги) (кейинги ўринларда бино ва иншоот ҳақида маълумот деб аталади) олишда «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг туманлардаги (шаҳарлардаги) филиаллари (кейинги ўринларда ер тузиш ва кадастр органлари деб аталади) билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Давлат нотариал идораларининг (кейинги ўринларда ДНИ деб аталади) ер тузиш ва кадастр органлари билан ахборот алмашуви курьерлик хизмати орқали ёки идоралараро электрон тизимлар орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

3. Бино ва иншоот ҳақидаги маълумотларни олиш ушбу Регламентга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Бино ва иншоотлар ҳақида маълумот олишда  
ДНИ ва ер тузиш ва кадастр органларининг ўзаро  
ҳамкорлик қилиши тартиби**

4. Бино ва иншоот мулкдори ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг номидан ҳаракат қилишга ваколатли бўлган вакил кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлаш учун ДНИга кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

Бунда нотариус бино ва иншоот ҳақидаги маълумотни курьерлик хизмати орқали ёки идоралараро электрон тизимлар орқали реал вақт режимида мустақил олади.

5. Нотариуслар бино ва иншоот ҳақидаги маълумотни олиш учун ушбу Регламентга 2-иловага\* мувофиқ турар жой жойлашган ҳудуддаги ер тузиш ва кадастр органига курьерлик хизмати орқали ёзма ёки идоралараро электрон тизим орқали электрон шаклда сўровнома билан мурожаат қилади.

6. Сўровномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

сўров йўллаётган ДНИнинг номи;

сўров йўллаётган ДНИнинг манзили (агар сўровнома ёзма шаклда бўлса);

сўровнома йўлланган сана ва қайд рақами;

сўров йўлланаётган ер тузиш ва кадастр органи номи;

бино ва иншоот кадастр йиғма жилди маълумотлари (бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқ гувоҳномаси рақами ёки кадастр рақами);

сўровнома йўлланган ДНИ нотариусининг Ф.И.О.;

сўровнома йўллаган ДНИ нотариусининг имзоси ва мухри (агар сўровнома ёзма шаклда бўлса).

7. Сўровнома электрон тарзда расмийлаштирилганда идоралараро электрон тизим орқали реал вақт режимида жўнатилади.

8. Сўровномада маълумотлар тўлиқ бўлмаган тақдирда ер тузиш ва кадастр органи маълумотномани беришни рад этади.

Бошқа асосларга кўра бино ва иншоот ҳақида маълумот беришни рад этиш қатъиян тақиқланади.

9. Нотариуснинг сўровномасига ер тузиш ва кадастр органлари ушбу Регламентга 3-иловага\* мувофиқ шаклда, агар сўровнома:

---

\* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

куръерлик хизмати орқали юборилса — бир соат ичида ёзма ёки электрон шаклда;

идоралараро электрон тизим орқали юборилганда — зудлик билан реал вақт режимида электрон шаклда жавоб бериши шарт.

10. Бино ва иншоот ҳақида маълумотлар ер тузиш ва кадастр органлари томонидан бепул берилади.

11. Нотариус сўровномасига асосан бериладиган маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

ер тузиш ва кадастр органининг номи;

ер тузиш ва кадастр органининг манзили (агар жавоб ёзма шаклда бўлса);

маълумотнома тузилган сана ва қайд рақами;

маълумотнома юборилаётган ДНИ;

бино ва иншоот мулкдори ҳақидаги маълумотлар (агар мулкдор жисмоний шахс бўлса, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси, рақами, СТИР, юридик шахс бўлса, унинг номи ва СТИР);

бино ва иншоот кадастр йиғма жилди маълумотлари (бино ва иншоот таркиби, жойлашган манзили, бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқ гувоҳномаси рақами, кадастр рақами, умумий (яшаш) майдони ҳажми, бино ёки иншоот инвентар баҳоси);

кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ ва хатлов мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумот;

ер тузиш ва кадастр органи ходимининг лавозими ва Ф.И.О.;

имзо ва муҳр (агар жавоб ёзма шаклда бўлса).

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

12. Ишончсиз ва бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилгани учун ушбу маълумотларни тақдим этган шахслар жавоб берадилар.

13. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 14 сентябрдаги 733-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Хусусийлаштирилган турар жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлашда хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақида маълумотлар олишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан «ягона дарча» тамойили бўйича хусусийлаштирилган турар жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлашда хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақида маълумотлар олишда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари (Тошкент шаҳрида — «Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази» давлат унитар корхонаси) (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси органлари деб аталади) билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Давлат нотариал идораларининг (кейинги ўринларда ДНИ деб аталади) Давлат рақобат қўмитаси органлари билан ахборот алмашуви курьерлик хизмати орқали ёки идоралараро электрон тизимлар орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

3. Хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақида маълумотларни олиш ушбу Регламентга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақида маълумот олишда ДНИ ва Давлат рақобат қўмитаси органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиши тартиби**

4. Хусусийлаштирилган турар жой мулкдори ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг номидан ҳаракат қилишга ваколатли бўлган вакили кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлаш учун ДНИга кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилди, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

Бунда нотариус хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотни курьерлик хизмати орқали ёки идоралараро электрон тизимлар орқали реал вақт режимида мустақил олади.

5. Нотариуслар хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақида маълумотни олиш учун ушбу Регламентнинг 2-илласига\* мувофиқ турар

---

\* 1-2-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жой жойлашган худуддаги Давлат рақобат қўмитаси органига курьерлик хизмати орқали ёзма шаклда ёки идоралараро электрон тизим орқали электрон шаклда сўровнома билан мурожаат қилади.

6. Сўровномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

сўров йўллаётган ДНИнинг номи;

сўров йўллаётган ДНИнинг манзили (агар сўровнома ёзма шаклда бўлса);

сўровнома йўлланган сана ва қайд рақами;

сўров йўлланаётган Давлат рақобат қўмитаси органи номи;

хусусийлаштирилган турар жой мулкдори ҳақидаги маълумотлар (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси, рақами, уни берган орган ва берилган вақти, доимий яшаш манзили, СТИР);

хусусийлаштирилган турар жой кадастр рақами;

сўровнома йўллаётган ДНИ нотариусининг Ф.И.О.;

сўровнома йўллаётган ДНИ нотариусининг имзоси ва муҳри (агар сўровнома ёзма шаклда бўлса).

7. Сўровнома электрон тарзда расмийлаштирилганда идоралараро электрон тизим орқали реал вақт режимида жўнатилади.

8. Сўровномада маълумотлар тўлиқ бўлмаган тақдирда Давлат рақобат қўмитаси органи маълумотномани беришни рад этади.

9. Нотариуснинг сўровномасига Давлат рақобат қўмитаси органлари ушбу Регламентга 3-иловага\* мувофиқ шаклда, агар сўровнома:

курьерлик хизмати орқали юборилса — бир соат ичида ёзма ёки электрон шаклда;

идоралараро электрон тизим орқали юборилса — зудлик билан реал вақт режимида электрон шаклда жавоб бериши шарт.

10. Хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотлар Давлат рақобат қўмитаси органлари томонидан бепул берилади.

11. Нотариус сўровномасига асосан бериладиган маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

Давлат рақобат қўмитаси органининг номи;

Давлат рақобат қўмитаси органининг манзили (агар жавоб ёзма шаклда бўлса);

маълумотнома тузилган сана ва қайд рақами;

маълумотнома юборилаётган ДНИ;

хусусийлаштирилган турар жой мулкдори ҳақидаги маълумотлар (жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси, рақами, уни берган орган ва берилган вақти, СТИР);

хусусийлаштирилган турар жой ҳақидаги маълумотлар (турар жой жойлашган манзил, шунингдек, турар жойга мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжат тури, санаси ва рақами);

хусусийлаштирилган турар жойни хусусийлаштиришда иштирок этган шахслар ҳақидаги маълумот (фамилияси, исми (мавжуд бўлса), отасининг исми (мавжуд бўлса) ва туғилган йили (мавжуд бўлса);

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат рақобат қўмитаси органи ходимининг лавозими ва Ф.И.О.;  
имзо ва муҳр (агар жавоб ёзма шаклда бўлса).

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

12. Ишончсиз ва бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилгани учун ушбу маълумотларни тақдим этган шахслар жавоб берадилар.

13. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 14 сентябрдаги 733-сон қарорига  
5-ИЛОВА

## **Юридик шахслар иштирокидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширишда юридик шахслар ҳақида маълумотлар олишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан «ягона дарча» тамойили бўйича юридик шахслар иштирокидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширишда юридик шахслар ҳақида маълумотларни олишда давлат хизматлари марказлари билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Давлат нотариал идораларининг (кейинги ўринларда ДНИ деб аталади) давлат хизматлари марказлари билан ахборот алмашуви курьерлик хизмати орқали ёки идоралараро электрон тизимлар орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

3. Юридик шахслар иштирокидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширишда юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни олиш ушбу Регламентга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

### **2-боб. Юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни олишда ДНИ ва давлат хизматлари марказларининг ўзаро ҳамкорлик қилиши тартиби**

4. Нотариус юридик шахс иштирокидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширишда юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқиши, шунингдек, у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини ҳамда амалга оширилаётган нотариал ҳаракатлар

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини текширади.

Бунда нотариус юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни курьерлик хизмати орқали ёки идоралараро электрон тизимлари орқали реал вақт режимида мустақил олади.

5. Нотариуслар юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни олиш учун ушбу Регламентга 2-иловага\* мувофиқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган ҳудуддаги давлат хизматлари марказига курьерлик хизмати орқали ёзма шаклда ёки идоралараро электрон тизим орқали электрон шаклда сўровнома билан мурожаат қилади.

6. Сўровномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

сўров йўллаётган ДНИнинг номи;

сўров йўллаётган ДНИнинг манзили (агар сўровнома ёзма шаклда бўлса);

сўровнома йўлланган сана ва қайд рақами;

сўров йўлланаётган давлат хизматлари маркази номи;

юридик шахс СТИРи;

сўровнома йўллаётган ДНИ нотариусининг Ф.И.О.;

сўровнома йўллаётган ДНИ нотариусининг имзоси ва муҳри (агар сўровнома ёзма шаклда бўлса).

7. Сўровнома электрон тарзда расмийлаштирилганда идоралараро электрон тизим орқали реал вақт режимида жўнатилади.

8. Сўровномада маълумотлар тўлиқ бўлмаган тақдирда давлат хизматлари маркази маълумотномани беришни рад этади.

Бошқа асосларга кўра юридик шахслар ҳақидаги маълумотларни беришни рад этиш қатъиян тақиқланади.

9. Нотариуснинг сўровномасига давлат хизматлари марказлари ушбу Регламентга 3-иловага\* мувофиқ шаклда, агар сўровнома:

курьерлик хизмати орқали юборилса — бир соат ичида ёзма ёки электрон шаклда;

идоралараро электрон тизим орқали юборилса — зудлик билан реал вақт режимида электрон шаклда жавоб бериши шарт.

10. Бино ва иншоот ҳақидаги маълумотлар ер тузиш ва кадастр органлари томонидан бепул берилади.

11. Нотариус сўровномасига асосан бериладиган маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

давлат хизматлари марказининг номи;

давлат хизматлари маркази манзили (агар жавоб ёзма шаклда бўлса);

маълумотнома тузилган сана ва қайд рақами;

маълумотнома юборилаётган ДНИ;

юридик шахс ҳақидаги маълумотлар (юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, таъсис ҳужжатлари, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан, СТИР);

давлат хизматлари маркази ходимининг лавозими ва Ф.И.О.;

---

\* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

имзо ва муҳр (агар жавоб ёзма шаклда бўлса).

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

12. Ишончсиз ва бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилгани учун ушбу маълумотларни тақдим этган шахслар жавоб берадилар.

13. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 14 сентябрдаги 733-сон қарорига  
6-ИЛОВА

## **Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини тасдиқлашда коммунал хизматлардан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотлар олишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан «ягона дарча» тамойили бўйича кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини тасдиқлашда электр, газ, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш хизматлари (кейинги ўринларда коммунал хизматлар деб аталади) бўйича қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни олишда ҳудудий электр тармоқлари корхоналари, газ, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти идоралари ҳамда оқова сувларни чиқариш хизматлари (кейинги ўринларда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар деб аталади) билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Давлат нотариал идораларининг (кейинги ўринларда ДНИ деб аталади) хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ахборот алмашуви курьерлик хизмати орқали ёки идоралараро электрон тизимлар орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликни қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 27 февралдаги 106-сон қарорининг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) идоралараро электрон тарзда ҳамкорлик қилиш тизими орқали қарздорликни аниқлаш электр ва газ таъминоти бўйича 2019 йил 1 январдан, иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва оқова сувларни чиқариш хизматлари бўйича 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилади.

3. Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини тасдиқлашда коммунал хизматлардан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида

маълумотларни олиш ушбу Регламентга 1-иловага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

**2-боб. Коммунал хизматлардан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни олишда ДНИ ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик қилиши тартиби**

4. Кўчмас мулк мулкдори ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг номидан ҳаракат қилишга ваколатли бўлган вакил Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини нотариал тасдиқлаш учун ДНИга кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда кўчмас мулкнинг кадастр йиғма жилди, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этади.

Бунда нотариуслар коммунал хизматлардан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотларни курьерлик хизмати орқали ёки идоралараро электрон тизимлар орқали реал вақт режимида мустақил олади.

5. Нотариуслар коммунал хизматлардан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотларни олиш учун ушбу Регламентга 2-иловага\* мувофиқ хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ҳар бирига курьерлик хизмати орқали ёзма шаклда ёки идоралараро электрон тизим орқали электрон шаклда сўровнома билан мурожаат қилади.

6. Сўровномада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

сўров йўллаётган ДНИнинг номи;

сўров йўллаётган ДНИнинг манзили (агар сўровнома ёзма шаклда бўлса);

сўровнома йўлланган сана ва қайд рақами;

сўров йўлланаётган хизмат кўрсатувчи ташкилот номи;

кўчмас мулк мулкдори ҳақидаги маълумотлар (агар мулкдор жисмоний шахс бўлса, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси, рақами, СТИР, юридик шахс бўлса, унинг номи, СТИР);

кўчмас мулк кадастр рақами;

сўровнома йўллаётган ДНИ нотариусининг Ф.И.О.;

сўровнома йўллаётган ДНИ нотариусининг имзоси ва муҳри (агар сўровнома ёзма шаклда бўлса).

7. Сўровнома электрон тарзда расмийлаштирилганда идоралараро электрон тизим орқали реал вақт режимида жўнатилади.

8. Сўровномада маълумотлар тўлиқ бўлмаган тақдирда хизмат кўрсатувчи ташкилот маълумотномани беришни рад этади.

Бошқа асосларга кўра коммунал хизматлардан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотларни беришни рад этиш қатъиян тақиқланади.

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Нотариуснинг сўровномасига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ушбу Регламентга 3-иловага\* мувофиқ шаклда, агар сўровнома:

курьерлик хизмати орқали юборилса — бир соат ичида ёзма ёки электрон шаклда;

идоралараро электрон тизим орқали юборилса — зудлик билан реал вақт режимида электрон шаклда жавоб бериши шарт.

10. Коммунал хизматлардан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотлар хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан бепул берилади.

11. Нотариус сўровномасига асосан бериладиган маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг номи;

хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг манзили (агар жавоб ёзма шаклда бўлса);

маълумотнома тузилган сана ва қайд рақами;

маълумотнома юборилаётган ДНИ;

кўчмас мулк мулкдори ҳақидаги маълумотлар (агар мулкдор жисмоний шахс бўлса, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси, рақами, СТИР, юридик шахс бўлса, унинг номи, СТИР);

кўчмас мулк кадастр йиғма жилди маълумотлари (турар жой жойлашган манзил, турар жойга бўлган ҳуқуқ гувоҳномаси рақами ёки кадастр рақами);

коммунал хизматлардан қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотлар, агар мавжуд бўлса суммаси кўрсатилган ҳолда;

хизмат кўрсатувчи ташкилот ходимининг лавозими ва Ф.И.О.;

имзо ва муҳр (агар жавоб ёзма шаклда бўлса).

### **3-боб. Яқунловчи қоидалар**

12. Нотўғри ва ёлғон маълумотлар тақдим этилгани учун ушбу маълумотларни тақдим этган шахслар жавоб берадилар.

13. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

---

\* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## **759** Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПФ-5415-сон «Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ ҳамда юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида, **бўюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2864, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 140-модда) билан тасдиқланган Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва турқумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 сентябрда эълон қилинган.



5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 8 сентябрь,  
457-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 8 сентябрдаги  
457-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартиришлар**

1. 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходими лавозимига адлия органлари билан келишилиб лавозимга тайинланган ходимлар келгусида ушбу ташкилотнинг юридик хизматидаги лавозими ўзгарса адлия органлари билан келишиш талаб этилмайди, юридик хизмат раҳбари ва унинг ўринбосари лавозими бундан мустасно.

Бунда Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизматларининг маълумотлари базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2861, 2017 йил 28 февраль) асосан давлат органлари ва ташкилотлари ўн кун муддатда тегишли маълумотни адлия органига юбориши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизмат ходимлари ҳамда улар билан келишиб лавозимга тайинланган юридик хизмат ходимлари адлия органлари билан келишиш талаб этилмайди.».

2. 5-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«иш берувчи давлат органи ва ташкилотининг муҳри билан аслига тўғрилиги тасдиқланган номзоднинг олий юридик маълумоти тўғрисидаги дипломининг нусхаси ёки олий юридик маълумоти тўғрисидаги дипломдан кўчирма — Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти бўйича ўқиб тугатганлар учун;»;

қуйидаги тахрирдаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«иш берувчи давлат органи ва ташкилотининг муҳри билан аслига тўғрилиги тасдиқланган номзоднинг олий маълумоти тўғрисидаги дипломининг

нусхаси ва Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаганлик тўғрисидаги дипломдан нусха — олий юридик маълумот тўғрисида дипломга эга бўлмаганлар учун;»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги таҳрирдаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар номзод хорижда таълим олган бўлса иш берувчи давлат органи ва ташкилотининг муҳри билан аслига тўғрилиги тасдиқланган хорижда ўқишни тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжат ва ушбу ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикасидаги ҳужжатга эквивалент деб топилганлиги тўғрисида ваколатли давлат органи томонидан берилган гувоҳноманинг нусхалари тақдим этилади;»;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 10-банддаги «Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси ва унинг шўъбалари» деган сўзлар «Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Комиссия ишида аъзоларнинг камида ярми иштирок этган тақдирда, ваколатли ҳисобланади. Комиссиянинг аъзоси иш жойида бўлмаган тақдирда унинг ўрнига унинг вазифасини бажарувчи шахс иштирок этишига йўл қўйилади.»

5. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Комиссия аъзолари номзоднинг билими, шунингдек иш тажрибасини ҳисобга олиб, уни суҳбатдан ўтган ёки ўтмаган деб топиш ҳақида қарор қабул қилади. Мазкур қарор комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, комиссия расисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия аъзолари номзодни бошқа лавозимга тайинлаш ҳақида тавсия бериши мумкин.

Суҳбатга кела олмайдиган номзодлар суҳбат бошлангунга қадар Комиссиянинг ишчи органини ёзма хабардор қилишлари лозим. Комиссиянинг ишчи органини суҳбатга кела олмаслиги тўғрисида ёзма хабар берган номзодлар Комиссиянинг навбатдаги йиғилишида суҳбатга қўйиладилар.

Суҳбатга келмаган ва комиссия ишчи органини ёзма хабардор қилмаган номзодлар суҳбатдан ўтмаган деб топилади ва бу ҳақда ишчи орган томонидан номзодни тавсия этган давлат органи ва ташкилотига маълум қилинади.»

6. 20-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 21-банддаги «уч ойдан» деган сўзлар «бир ойдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Юридик хизмат ходими лавозимига суҳбатдан уч маротаба ўта ол-

маган номзодлар уч ойдан сўнг умумий асосларда тегишли лавозимга қайта тавсия этилиши мумкин.».

9. Қўйидаги мазмундаги 28<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«28<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 7-бандига мувофиқ юридик хизмат ходими лавозимидан озод этилганда ҳамда юридик хизмат штат бирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилганда юридик хизмат ходимини лавозимидан озод этишни адлия органлари билан келишиш талаб этилмайди.

Юридик хизмат ходимини юридик хизмат билан боғлиқ бўлмаган бошқа лавозимга ўтказиш мазкур Низомнинг 23 — 27 бандларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.».

10. Мазкур қўшимчалар ва ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Ш. КУДБИЕВ*

*2018 йил 7 сентябрь*

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

*К. РАФИКОВ*

*2018 йил 5 сентябрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**760** Йодланган тузни реализация қилишдан тушган маблағларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш Марказий бюросининг махсус ҳисоб рақамида жамлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2828-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки Бошқарувининг 2016 йил 16 сентябрдаги 66, 70, 340-В-сон қарори (рўйхат рақами 2828, 2016 йил 3 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 40-сон, 470-модда) билан тасдиқланган Йодланган тузни реализация қилишдан тушган маблағларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш Марказий бюросининг махсус ҳисоб рақамида жамлаш тартиби тўғрисидаги низомға иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға қиради.

**Соғлиқни сақлаш вазири**

**А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 17 август,  
48-сон

**Молия вазири**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 17 август,  
120-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

**Марказий банк раиси****М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 17 август,  
340-В-2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги,  
Молия вазирлиги ҳамда Марказий банки  
Бошқарувининг 2018 йил 17 августдаги  
48, 120, 340-В-2-сон қарорига  
ИЛОВА

**Йодланган тузни реализация қилишдан тушган  
маблағларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Саломатлик-3»  
лойиҳасини амалга ошириш Марказий бюросининг махсус  
ҳисоб рақамида жамлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Микронутриентлар бўйича айланма маблағлар ҳисоби Марказий бюро томонидан АҚШ долларида юритилади».

2. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Жорий йил учун айланма маблағлар ҳажми 1 январь ҳолатига қуйидаги формула орқали аниқланади ва Марказий бюро томонидан ҳар йили тасдиқланади:

$$\text{ЖАМ} = (\text{М} \times \text{З}) \times (\text{МҚ}/\text{БК}), \text{ бунда:}$$

ЖАМ — жорий йил учун айланма маблағлар ҳажми (АҚШ долларида);

М — корхоналарга берилган микронутриентларнинг йиллик ўртача ҳажми (кг);

МҚ — бир килограмм микронутриентнинг амалдаги қиймати (нархи) (сўм).

БК — белгиланган курс (сўм)».

3. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Корхоналарга бериладиган микронутриентнинг қиймати (нархи) қуйидаги формула асосида ҳар ойнинг биринчи санасига аниқланади ва мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади:

$$\text{МҚ} = \left( \frac{\text{ЖАМ} - (\text{Дг} - \text{Кг} + \text{ХР} + \text{МБО})}{\text{УС}} + \text{Н} \right) \times \text{БК} \quad \text{бунда:}$$

МК — бир килограмм микронутриентнинг қиймати (нархи) (сўм);  
ЖАМ — жорий йил учун айланма маблағлар ҳажми (АҚШ долларарида);

Дт — тузни йодловчи микронутриентлар бўйича дебитор қарздорлик (АҚШ долларарида);

Кт — тузни йодловчи микронутриентлар бўйича кредитор қарздорлик (АҚШ долларарида);

ХР — микронутриентлар харид қилиш учун очилган махсус ҳисоб рақамдаги ҳамда уларни харид қилиш учун бошқа ҳисоб рақамга кўчирилган маблағларнинг умумий қиймати (АҚШ долларарида);

МБО — Марказий бюро омборидаги тузни йодловчи микронутриентларнинг қиймати (АҚШ долларарида);

УС — Марказий бюро омборидаги тузни йодловчи микронутриентларнинг миқдори (кг);

Н — етказиб берувчи билан тузилган сўнгги шартномадаги бир килограмм микронутриентнинг нархи (АҚШ долларарида).

БК — белгиланган курс (сўм);

Формуладаги кўрсаткичлар қийматининг АҚШ доллараридаги эквиваленти шу санага белгиланган курс бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.».

4. 15-банддан иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

5. Илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

6. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**А. ИКРАМОВ**

*2018 йил 17 август*

*Хусусийлаштирилган корхоналарга  
кўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси*

**Р. ГУЛЯМОВ**

*2018 йил 6 август*

«Йодланган тузни реализация қилишдан тушган маблағларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш Марказий бюросининг махсус ҳисоб рақамида жамлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришларга  
ИЛОВА

«Йодланган тузни реализация қилишдан тушган маблағларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш Марказий бюросининг махсус ҳисоб рақамида жамлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

(лавозими, Ф.И.О., имзо)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Микронутриент қиймати (нархи)ни аниқлаш  
ҲИСОБ-КИТОБИ\***

(микронутриент номи)

Сана: 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Т/р	Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Суммаси
1.	Бир килограмм микронутриентнинг қиймати (нархи) (((02 сатр – 03 сатр – 06 сатр + 09 сатр + 15 сатр)) / 16 сатр) + 18 сатр	01	сўм	
2.	Жорий йил учун айланма маблағлар ҳажми	02	АҚШ долл.	
3.	Тузни йодловчи микронутриентлар бўйича дебитор қарздорлик (04 сатр + 05 сатр)	03	АҚШ долл.	
3.1.	ишлаб чиқарувчи корхоналардан	04	АҚШ долл.	
3.2.	микронутриент етказиб берувчилардан	05	АҚШ долл.	
4.	Тузни йодловчи микронутриентлар бўйича кредитор қарздорлик (07 сатр + 08 сатр)	06	АҚШ долл.	
4.1.	ишлаб чиқарувчи корхоналардан	07	АҚШ долл.	
4.2.	микронутриент етказиб берувчилардан	08	АҚШ долл.	
5.	Микронутриентлар харид қилиш учун очилган махсус ҳисоб рақамдаги ҳамда уларни харид қилиш учун бошқа ҳисоб рақамга кўчирилган маблағларнинг умумий қиймати (10 сатр + 11 сатр + 12 сатр + 13 сатр + 14 сатр)	09	АҚШ долл.	
5.1.	22604 — мижозларнинг бошқа депозитлари — Жамгарма — Мақсадли	10	АҚШ долл.	

Т/р	Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Суммаси
5.2.	29801 — миқдорлар билан ҳисоб-китоблар	11	АҚШ долл.	
5.3.	22614 — миқдорларнинг валюта бозорида конвертация қилинган маблағлари	12	АҚШ долл.	
5.4.	22602 — миқдорларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари	13	АҚШ долл.	
5.5.	микронутриентлар харид қилиш учун бошқа ҳисоб рақамга кўчирилган маблағлар	14	АҚШ долл.	
6.	Марказий бюро омборидаги тузни йодловчи микронутриентларнинг қиймати (16 сатр * 17 сатр)	15	АҚШ долл.	
6.1.	марказий бюро омборидаги тузни йодловчи микронутриентларнинг миқдори	16	кг	
6.2.	марказий бюро омборидаги тузни йодловчи микронутриентларнинг бир килограмми нархи	17	АҚШ долл.	
7.	Етказиб берувчи билан тузилган сўнги шартномадаги бир килограмм микронутриентнинг нархи	18	АҚШ долл.	
8.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан АҚШ долларининг сўмга нисбатан белгиланган курси	19	сўм	

\* Суммаларнинг АҚШ долларларидаги эквиваленти шу санага белгиланган курс бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Марказий бюро раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### **761** Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-9*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 сентябрда эълон қилинган.



1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 20 августдаги 65-сон буйруғи (рўйхат рақами 2146, 2010 йил 11 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 356-модда) билан тасдиқланган Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 август,  
117-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2018 йил 10 августдаги  
117-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 75-банддаги «Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жинойй даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 80-бандда:

1) иккинчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини (қишлоқ хўжалиги) сақлаш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари зараркунандаларига қарши курашиш хизмати, ветеринар лабораториялар, уруғчилик инспекциялари, «Давтехназорат» бўлимлари ва инспекциялари,» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлигини сақлаш, қишлоқ хўжалиги ўсимликлари зараркунандаларига қарши курашиш хизмати, ветеринар лабораториялар, уруғчилик инспекциялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) бешинчи хатбошидаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини (сув хўжалиги) сақлаш, сув хўжалиги ташкилотлари, қутқарув хизмати, сувдаги станция ва постлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги» деган сўзлар «Сув хўжалиги вазирлигини сақлаш, сув хўжалиги ташкилотлари, қутқарув хизмати, сувдаги станция ва постлари, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 82-банддаги «Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасини» деган сўзлар «Қурилиш вазирлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 1-иловада:

1) 3 012 0 0 ва 3 012 1 0 қаторлар чиқариб ташлансин;

2) 3 017 1 0 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

- «3 018 0 0 Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги «Обод қишлоқ» жамғармаси;
- 3 018 1 0 Республика маблағлари;
- 3 018 2 0 Худудий маблағлар;
- 3 018 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;
- 3 018 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;
- 3 019 0 0 Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси;
- 3 019 1 0 Республика маблағлари;
- 3 019 2 0 Худудий маблағлар;
- 3 019 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;
- 3 019 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;
- 3 020 0 0 «Обод маҳалла» жамғармаси;
- 3 020 1 0 Республика маблағлари;
- 3 020 2 0 Худудий маблағлар;
- 3 020 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;
- 3 020 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;
- 3 021 0 0 «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси;
- 3 021 1 0 Республика маблағлари;
- 3 021 2 0 Худудий маблағлар;
- 3 021 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;
- 3 021 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;
- 3 022 0 0 Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси;
- 3 022 1 0 Республика маблағлари;
- 3 022 2 0 Худудий маблағлар;
- 3 022 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;
- 3 022 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар»;
- 3) 4 028 2 1 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:
- «4 800 0 0 Ташқи ҳисоб-китоблар бўйича мақсадли маблағлар;
- 4 800 1 0 Республика маблағлари;
- 4 800 2 0 Худудий маблағлар;
- 4 800 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасида-

ги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;

4 800 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар»;

4) қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 000 0 0 Мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар;

7 000 1 0 Республика маблағлари;

7 000 2 0 Ҳудудий маблағлар;

7 000 2 1 Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги, вилоятларнинг вилоят даражасидаги ва Тошкент шаҳрининг шаҳар даражасидаги маблағлари;

7 000 2 2 Туманлар ва шаҳарлар даражасидаги маблағлар;

7 001 0 0 Ҳисоб-китоб клиринг палатаси;

7 001 1 0 Республика маблағлари».

5. 2-иловада:

1) 3 332 106 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«3 332 107 Бюджет ҳисобидан ажратилган тушумлар»;

2) 3 422 214 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3 422 214 Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиюрар машиналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаларини техник кўриқдан ўтказиш, давлат рақам белгилари, техник паспортлар ва гувоҳномалар бериш учун ундириладиган йиғимлар»;

3) 3 422 240 қатордаги «қилишга рухсат бериш» деган сўзлар «қилиш учун рухсатнома бериш бўйича давлат хизмати кўрсатилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 3 422 261 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 422 282 Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармасига йиғимлар;

3 422 286 Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатнома учун йиғимлар;

3 422 287 Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл қурилиш техникалари, ўзи юрар машиналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаларини техник кўриқдан ўтказиш учун йиғимлар;

3 422 288 Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл қурилиш техникалари, ўзи юрар машиналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаларининг гувоҳномалари учун йиғимлар;

3 422 289 Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл қурилиш техникалари, ўзи юрар машиналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаларининг рақам белгилари учун йиғимлар;

3 422 290 Тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл қурилиш техникалари, ўзи юрар машиналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги техникаларининг техник паспорти учун йиғимлар;

3 422 291 Хорижий давлатларнинг ойналари туси ўзгартирилган (қорай-

тирилган) енгил автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси худудига вақтинча кириши ва транзит ҳаракатланиши учун йиғимлар;

3 422 292 Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш ва ўзгартириш бўйича йиғимлар»;

5) 3 430 107 қатордаги «Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси» деган сўзлар «Қурилиш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 3 430 145 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 430 148 Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жарима санкциялари;

3 430 149 Инспекция ходимлари томонидан солинадиган жарималар;

3 430 150 Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жарима санкциялари;

3 430 151 Сув истеъмоли соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жарима санкциялари»;

7) 3 450 723 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«3 450 800 Ўтказиб бериладиган даромадлар;

3 450 801 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари;

3 450 802 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

3 450 803 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари;

3 450 804 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги «Тоза ичимлик сув» жамғармаси маблағлари;

3 450 805 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Орол-бўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

3 450 806 Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари»;

8) 3 450 901 қаторнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар».

6. 4-иловада:

1) 7 016 900 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 016 901 ФХДЁ бўлимларини сақлаш харажатлари»;

2) 7 019 903 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 019 904 «Обод қишлоқ» жамғармасига ажратиладиган маблағлар;

7 019 905 «Обод маҳалла» жамғармасига ажратиладиган маблағлар»;

3) 7 033 602 қатордаги «бошқармаларини» деган сўз «органларини» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) 7 033 606 қатор чиқариб ташлансин;

5) 7 034 100 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 034 200 Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизматини сақлаш харажатлари»;

6) 7 036 300 ва 7 036 400 қаторлардаги «Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга» деган сўзлар «Иқтисодий жиноятларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 7 036 600 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 036 900 Бошқа харажатлар;

7 036 901 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг марказий аппаратини сақлаш харажатлари;

7 036 902 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий органларини сақлаш харажатлари»;

8) 7 042 101 қатордаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини (қишлоқ хўжалиги)» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 7 042 107 қатор чиқариб ташлансин;

10) 7 042 401 қатордаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини (сув хўжалиги)» деган сўзлар «Сув хўжалиги вазирлигини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) 7 042 404 қатордаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Сув хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 7 042 405, 7 042 406, 7 042 950 ва 7 042 960 қаторлар чиқариб ташлансин;

13) 7 043 201 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 043 202 Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясини сақлаш харажатлари;

7 043 203 Ўзбекистон нефт маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари»;

14) 7 043 500 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 043 501 Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекциясини сақлаш харажатлари;

7 043 501 Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари»;

15) 7 044 210 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 044 220 Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясини сақлаш харажатлари»;

16) 7 049 990 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 049 991 Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси»;

17) 7 083 640 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 083 700 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги»;

18) 7 094 400 қатор чиқариб ташлансин;

19) 7 102 417 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 102 418 Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиларининг пенсия ва нафақа харажатлари»

20) 7 106 400 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 106 900 Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа харажатлар;

7 106 901 1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларини бепул бериш харажатлари;

7 106 902 1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва унга тенглаштирилган шахслар учун зарур кийим-кечак ва пойабзал билан бепул таъминлаш харажатлари;

7 106 903 Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондига ажратиладиган маблағлар»;

21) 7 109 209 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«7 109 210 Республика бюджетидан Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига ажратиладиган маблағлар»;

22) 7 109 405 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қаторлар билан тўлдирилсин:

«7 109 500 Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги жамғармалар;

7 109 501 «Обод қишлоқ» жамғармаси харажатлари;

7 109 502 «Обод маҳалла» жамғармаси харажатлари».

7. 5 ва 5а-иловалардаги 48 21 130 қатордан кейин қуйидаги мазмундаги қатор билан тўлдирилсин:

«48 21 140 Электрон давлат харидларида иштирок этиш учун закат тўлови харажатлари».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**762** **Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-14*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ–5495-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 18 август,  
27/8-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил  
18 августдаги 27/8-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг саккизинчи хатбошида:

«ўттиз» деган сўз «ўн беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

2. 5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 сентябрда эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 8 сентябрдан 14 сентябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 8 сентябрдаги 457-мҳ-сон «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-2.**

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 августдаги 48, 120, 340-В-2-сон «Йодланган тузни реализация қилишдан тушган маблағларнинг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги «Саломатлик-3» лойиҳасини амалга ошириш марказий бюросининг махсус ҳисоб рақамида жамлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2828-2.**

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 10 августдаги 117-сон «Бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2146-9.**

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/8-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-14.**